Шу йилнинг 23 сентябрь санаси мамлакатимиз, шу билан бирга, жаҳон афкор оммаси учун тарихий аҳамиятга эга кун сифатида муҳрланиб қолди. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида сўзга чиқиб, она тилимизда нутқ сўзлаши барчамизнинг қалбимизни гурурга тўлдирди — миллионлаб юртдошларимизни ўзига жалб қилди.

Давлатимиз раҳбари халқро ҳам-жамият эътиборига минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб ма-

салалар юзасидан ўз нуқтаи назари-ни тақдим этди ҳамда Ўзбекистон-ни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилишининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Жумладан, концептуал жиҳатдан мутлақо янги 10 дан ортиқ ташаббус-лар илгари сурилди. Хусусан, ушбу муҳим масалалар қаторида минтақа-да ва глобал миқёсда тинчлик ҳамда барқарорлиқни мустаҳкамлаш, бар-қарор тараққиёт, инсон ҳуқуқ ва эр-кинликларини таъминлаш, конструк-тив мулоқотни кенгайтириш, шунинг-дек, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси, қашшоқлик-ка барҳам бериш ҳамда камбағал-лиқни қисқартириш масалалари каби замонавий хатар ва таҳдидларга қарши қаратилган қатор муҳим та-шаббуслар илгари сурилди.

Муҳомааларнинг энг асосий ма-взусини ҳисобга олиб, коронавирус пандемияси-га қарши биргаликда курашиш ҳамда касаллик салбий оқибатларини ен-гиб ўтиш масала-ларига кенг урғу берилди. Ҳозирги таҳликали ва му-раккаб вазият Ер юзидagi барча давлат ҳамда халқ-лар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботла-

ди. Шу жиҳатдан Президентимиз то-монидан БМТ шафелигида пандемия-лар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси-да илгари сурилган яна бир ташаб-бус — барқарор тараққиёт мақсадла-рига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги махсус резолю-цияни қабул қилишдан иборат бўлди.

БМТ ҳузурида афғон халқининг дар-ду таъвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш — бу давлатимиз раҳбари дунёнинг энг нуфузли минбарига сўзлаган нутқда урғу берган яна бир ташаббусдир.

БМТ ҳузурида Афғонистон бўйича доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этилса, бу мамлакатдаги ва-зиятни барқарорлаштириш, унинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий та-раққиётини таъминлаш борасидаги жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракат-ларини бирлаштириш ва мувофиқ-лаштириш ҳамда афғон заминида кечаётган тинчлик ўрнатиш жараён-лари қатъий назоратга олинишини таъминлаш имконини беради.

Президентимиз ўз масъулусида дунё миқёсида долзарб бўлиб тур-ган муаммолардан бири — глобал иқлим ўзгаришларига алоҳида тўхтади. Орол денгизи қуришининг

ҳалокатли оқибатлари бундай ўзга-ришларнинг Марказий Осиё тарақ-қиётига ҳам хавф солаётганига бир мисол бўла олади. Давлатимиз раҳбари БМТнинг Оролбўйи минта-қасини экологик инновация ва тех-нологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳақидаги махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш халқро кунги си-фатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

БМТ шафелигида Транспорт-ком-муникация алоқаларини ривожланти-риш минтақавий марказини очиш так-лифи ҳам долзарб аҳамиятга эга. Маълумки, бизга кўшни барча дав-латлар мавжуд транзит-транспорт йўлакларини диверсификация қилиш ва ривожлантиришдан манфаатдор. Ушбу муҳим стратегик вазифанинг ҳал қилиниши Марказий Осиё мамлақат-лари қаторида бошқа ҳудудларнинг ҳам жадал ривожланишини таъмин-лайди.

Дарвоқе, шу йилнинг 13 октябрида Ўзбекистон 47 давлат аъзолигидан иборат Инсон ҳуқуқлари кенгашига сайланди. Бу ҳам юртимизда инсон ва унинг манфаатлари, сўз эркинли-гини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

Президентимизнинг БМТ минбари-дан илгари сурган янги ташаббуслар-и, уларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланаётгани мамлакатимизнинг халқро имиж ва нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Икром АҲМЕДОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори.

МАҲСУЛОТЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ ВА НАРХ-НАВО БАРҚАРОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИМИ?

Унда эришилган ютуқлар, шу билан бирга, камчиликлар ҳам очик-ойдин гапирилди. Хусусан, таҳлилларга кўра, жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида вилоятда қўндалик зарур озиқ-овқат маҳсулот-лари нархи сезиларли дара-жада ошган. Мисол учун, сут маҳсулотлари — 16, картош-ка — 13,7, гўшт — 11,4, ёғ-мой маҳсулотлари — 10,2, шакар, қой ва зирavorлар — 5,4 фоизга қимматлашгани кўзатилади.

Бугунги кунда Фарғона бозорларида нарх-наво бар-қарорлигини таъминлаш мақ-садида шу йилнинг ноябрь — 2021 йилнинг май ойлари учун асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мол ва парранда гўшти, тухум ҳамда балик маҳсулот-лари арзон бўлиши учун ҳудудларда “Экобозор” ташкил этиш ташаббуси илгари сурилгани ҳам шун-дан далолат.

Айни жараёнда халқ депу-татлари туман ва шаҳар Ке-нашлари сессиялари ҳам ўтказилиб, уларда секторлар кесимиде бажарилиши керак бўлган ишлар аниқ белгилаб олиняпти.

Бозорлардаги нарх-навони асосий оширишга ҳеч қим-нинг ҳаққи йўқ. Фарғона ви-лоят прокурори Улуғбек Қосимовнинг маълум қилиши-ча, ўтган қисқа вақт ичида

озиқ-овқат маҳсулотларини қиммат нархда сотган 129 на-фар шахс маъмурий жавоб-гарликка тортилди. Вилоят-нинг 2-сектори раҳбари таъ-кидлаганидек, ҳудудларда талаб ва эhtiёж доимо янги-ланиб турадиган озиқ-овқат ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳ-сулотлари захира сини яратишга етарли эътибор бе-рилмагани тўғрйли бозорлар-да нарх-наво ошиб кетяпти.

Назорат тадбирларида ви-лоятдаги 17 та бозорда омборхоналар мавжуд бўлса-да, куз-киш мавсумига етар-ли озиқ-овқат захираси яратилмагани аниқланди. Бу ҳолатлар бўйича бозорлар-нинг 30 нафар мансабдор шахси, маҳсулотларни қим-мат нархда сотаётган 500 на-фарга яқин фуқаролар рас-ман оғохлантирилди. Шу би-лан бирга, Иқтисодий жино-ятларга қарши курашиш де-партаменти вилоят бошқар-маси ходимлари томонидан ўтказилган назорат тадбир-ларида мол гўштини 62 — 65 минг сўмдан сотаётган фуқа-ролар аниқланиб, бундай ҳолатларга барҳам берилди.

Вилоят маркази — Фар-ғона шаҳрида ҳам бу борада изчил саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Аммо 22 октябрь кунн соат 15.00 чамасида Фарғона шаҳар марказий деҳқон бозориди арзон нарх-да маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилган расталар деярли бўшаб қолган эди. Маълум бўлишича, бозор-

да ҳар кунн ўртача 60 қоп ун, 150 дони 5 литрлик ўсимлик ёғи ва 1 тонна шакар арзон нархда сотувга қўйиляпти. Қарийб 300 минг нафар аҳоли яшайдиган Фарғона шаҳри эhtiёжи учун бу ра-қамлар анча камлик қилади, албатта. Бу борада тегишли мутасаддилар томонидан за-рур чоралар қўриляпти.

Қолаверса, Қўштепа туман-ида чорвачиликка ихтисос-лаштирилган 19 та фермер ҳўжалиги фаолият юритаётир. Вилоят ҳўқимлиги томонидан ишлаб чиқилган “Йўл хари-таси”га кўра, фермер ҳўжа-ликлари томонидан Фарғона ва Марғилон шаҳарлари аҳоли-си учун арзон нархда гўшт маҳ-сулотлари етказиб берилмоқ-да. Қўштепалик фермерлар гўшт нархи янада арзон бўлиши учун ем-хашак нарҳини тушириш керак, деган фикрда. Чўнки бу-гунги кунда маҳсулот етишти-риш таннархи ана шу каби омиллар сабабли қиммат бўлиб кетмоқда.

Умуман, айна кунларда Фарғона вилоятининг ҳар бир шаҳар ва туманида аҳоли эhtiёжи учун қўндалик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари уз-луқсизлиги ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мақсадида аниқ тизим яратилди. Вилоятда соҳага оид муаммоларни навбати билан бартараф этиш учун эса етарлича салоҳият бор.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

БОЗОРЛАРДАГИ АРЗОНЧИЛИК ҲУДУДЛАРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАХИРАСИНИ ЯРАТИШГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш — бугунги куннинг энг муҳим талаби. Зеро, озиқ-овқат маҳсулотларининг арзон ва мўл-кўл бўлиши халқ розилигининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш борасидаги ишлар пандемия бошланган илк кунларданоқ тизимли равишда, чуқур ўйланган режа асосида йўлга қўйилмаганида, бугун ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш жуда оғир кечиси мумкин эди.

Мулоҳаза

Бинобарин, сўнгги уч йил-да мамлакатимизда озиқ-ов-қат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотла-ри сифатини ва экспорт сало-ҳиятини оширишга бўлган ёндашув мутлақо ўзгаргани, бозорларни сифатли, хавфсиз ҳамда арзон озиқ-овқат маҳ-сулотлари билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилгани ўз самарасини берди.

Лекин шунга қарамай, ҳудудлардаги бозорларда ай-рини озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг қимматлашиши аҳолини саросимага солиб қўйди. Хусусан, охириги вақт-ларда гўшт, тухум, ўсимлик ёғи ва шакар маҳсулотларининг нархи кескин ошди. Дунё бо-зориди ўтган 9 ойда ўсимлик ёғи 15 фоизга, Ўзбекистонда эса 26 фоизга ортган. Шакар нархи 5 фоиз арзонлашганига қарамаддан, юртимизда 23 фоиз қимматлашди.

Ҳўш, бундай вазиятда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулот-лари билан тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш учун қандай чоралар қўриш ке-рак? Юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига узлуқсиз ва етарли ҳажмда озиқ-овқат маҳсулот-ларини етказиб бериш учун нималар қилиш зарур?

Таъкидлаш жоизки, ички бо-зорни озиқ-овқат маҳсулотла-ри билан тўлдириш, уларни иш-лаб чиқариш соҳасида ўзини ўзи таъминлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш Ўзбе-кистон иқтисодиётининг муҳим сектори ҳисобланган қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири-дир. Чўнки юртимизда қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиётининг етак-чи тармоғи саналади. Шу жи-ҳатдан озиқ-овқат хавфсизли-гини таъминлаш учун қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли, самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган қўнунчилиқни яна-

ҳим харидорлар томонидан сўров мавжудлигига қарамай, дон сотишни тўлиқлигича чеклади.

Бутун дунёда озиқ-овқат таққилиғи хавфи ортиб бо-раётган бир пайтда Ўзбекис-тон раҳбарияти нафақат ички талабини қондириш, балки ташқи бозорга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳажминин ошириш имконини берадиган муҳим ва зарур чора-тадбирларни амалга оши-раётир.

Шу ўринда яна бир муло-ҳаза. Сир эмаски, қадим-қадимдан бозордаги тартиб маҳаллий амалдорлар томо-нидан қаттиқ назорат қилин-ган. Улар молнинг сифати, нархи билан бир қаторда, та-рзининг тўғрйлигига ҳам эътибор қаратган. Бугунги кунда эса мамлакатимизда бозорлар фаолиятини амалга оширишининг қўнуний тартиб-та-моийллари ишлаб чи-қилган. Унга кўра, бо-зорлар нарх-навонинг мутаносиблиги, си-фатли маҳсулотлар сотилиши, санитария-гиғиена қоидалари ва шу каби бир қанча талабларга жавоб бе-риши керак. Бу тар-тибларнинг ихросини назорат қилиш эса бозор маъмуриятдан тортиб, маҳаллий ҳўқимлик, солиқ ҳамда бошқа бир қатор таш-килот ва идораларнинг вазифасига кирди.

Аммо бугун улар-нинг қай бири амалда бунга кераклича эътибор қаратяпти? Ахир у ёки бу давлатнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқро вазиятдан қатъи назар, аҳолининг барча қатламига ва соғлом турмуш тарзи-ни олиб бориш учун зарур бўлган хавфсиз ҳамда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга боғлиқ-ку.

Шундай экан, аҳолининг гўшт, тухум, ун, ёғ, шакар, гу-руч, картошка, сабзи ва бошқа шу каби маҳсулотларга бўлган эhtiёжини қондириш учун ҳар бир раҳбар, айниқса, туман ҳамда шаҳар ҳўқимларида ҳудуд аҳолисининг кейинги йил май ойигача ушбу маҳсулот-ларни қачон, қаердан олиш бўйича аниқ ҳисоб-китоби бўлиши керак. Акс ҳолда бу-гун қўрилаётган барча чора-тадбирлар, сарфланаётган маблағлар самарасиз кетиши мумкин.

Ноҳир АБДУВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати.

Дунё нигоҳи

«ЗОМИН ЙИЛНИНГ ТЎРТ ФАСЛИДА ЖОЗИБАДОР САЙЁҲЛИК НУҚТАСИГА АЙЛАНАДИ»

Туркиянинг нуфузли «Daily Sabah» газетасида чоп этилган мақола ана шундай номланган.

Унда қайд этилишича, серкуёш Ўзбекистоннинг ҳушманзара масканларидан бўлган Зомин денгиз сатҳидан икки ярим минг метр баландликда жойлашган бўлиб, арчалар ҳидига, тоғ гйёҳларининг ифориға бурканган. Мамлакатда бошлан-ган кенг кўламли ўзгаришлар натижаси ўлароқ мазкур гўша йилнинг тўрт фаслида ҳам сайёҳларни жалб қиладиган масканга айланмоқда. Туркия компаниялари ҳам ушбу жараёнда иштирок этаётгани қувонарли ҳолдир, деб ёзилади нашрда.



Туркиялик журналистлар-нинг фикрича, Зомин ҳудуди табиат гўзаллиги, иклими, флора ва фаунаси борасида Швейцария билан рақобат-

лаша олади. Бу замин жазирамадан қочиб, соя-салқинда ором олишни ис-таган сайёҳлар учун ният-да мақбул жойдир. Шу би-

лан бирга, Зомин нафақат иссиқ мавсумда, балки тўрт фаслда ҳам туризмни ривож-лантириш учун барча имко-ниятга эга. Тошкент ва Са-марқанд каби йирик мегапо-лисларнинг оралиғида жой-лашган, Тожикистон ҳамда Қозогистон билан чегарага яқин бўлган Зомин чет эл компаниялари учун истиқбол-ли инвестициялар макониға айланди. Бу ҳудудга, айниқ-са, Туркия компаниялари катта қизиқиш билдирмоқда.

Айни пайтда Туркия ком-паниялари билан ҳамкорлик

режаси ишлаб чиқилган. Май-донн 700 гектардан ошиқ ҳудудни қамраб оладиган лойиҳалар бюджети белгилан-ган. Илк босқичда тоғ туриз-ми, спорт, соғломлаштириш ва гастрономия туризмни ривожлантириш режалашти-рилган, дея ахборот берила-ди “Daily Sabah”да.

Ҳудудда кўллаб янги объектлар, жумладан, чанғи марказлари, гольф учун майдонлар, очик ва ёпиқ спорт мажмуалари, ўрта ҳамда йирик меҳмонхоналар қурилиши Зомин қиёфаси-нинг мутлақо ўзгаришиға хизмат қиладди. Натижада ҳозирги вақтда Зоминда 10 та меҳмонхона ва 100 га яқин меҳмон уйлари йилига 300 минг сайёҳни қабул қилиш имкониятиға эга

бўлса, лойиҳалар якунида мазкур кўрсаткич 1,5 мил-лиондан ортади.

Нашр шарҳловчилари Зоминда бунёд этиладиган инфратузилма йилнинг ўн икки ойи мобайнида меҳмон-ларға хизмат кўрсатиш им-кониятиға эга бўлишиға ало-ҳида урғу бериб, янги йўллар, канализация, электр ва газ таъминотининг йўлга қўйили-ши бу заминнинг сайёҳлар учун энг севимли жойлари-дан бўлиб қолишиға шубҳа йўқ, дея таъкидлайдилар.

Дарҳақиқат, “Зомин лойи-ҳаси” ишға тушган илк кун-ларданоқ хорижда, хусусан, Туркияда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.



Алихон УТАБЕКОВ олган суратлар.

дейишади. Доно халқимиз қадим-қадимдан ушбу ўсимликдан матолар-ни бўяшда, юзлаб йиллар давомида ўз жозибадорлигини ўзгартирмайдиган тарихий обидалар — масжид муд-расаларнинг мовий гўмбазлари ҳамда қошинларига ранг беришда фойдалан-ган. Индигофера ҳозир ҳам ўз брен-дига эга. Жаҳондаги барча илгор дав-латларнинг тўқимачилик санаети му-тахаассислари уни ноёб ўсимлик си-фатида қадрлашади. Чўнки энг замона-вий технологияларда тўқиладиган, бутун дунёда харидорбон “Деним” жин-силари айнан унинг табийи ранглари билан жилавагар.

Очигини айтиш керак, бир пайтлар мана шундай ноёб хусусиятга эга ўсим-лик эътиборсизлик тўғрйли юртимиз тўпроғини тарқ этганди. Бугун эса ян-гиликка ўч, тиниб-тинчимас ишбилар-монлар тўғрйли вазият қайта тиклан-моқда. “BCT Cluster” ҳамда “TCT Cluster” кластерлари раҳбари, иқтисодиёт фан-лари доктори, сенатор Муртазо Раҳматов ота-боболаримиз эъзоэллаб келган бу неъматни том маънода қайта

Авваллари туманда фер-мер ҳўжаликлари давридаги ишчилар сонн 800 нафарни, ўртача иш ҳақи эса 300 минг сўмини ташкил этган. Ҳозир “TCT Cluster”да 8 минг 600 та иш ўрни мавжуд. Ўртача иш ҳақи эса илгарига қараганда 4 марта кўп — 2,1 миллион сўмға етказилди. Бу жамоа-нинг моддий манфаатдорлиғи ошиши билан бир қаторда, Давлат бюджети ҳам мустаҳкамляпти, дегани. Биргина ўтган йилда фермер ҳўжаликлари давридаги 7,9 миллиард сўмдан олти баробар кўп, аниқроқ айтганда, 28,7 миллиард сўм солиқ тўловлари тўланди.

Медиа-тур иштирокчилари дастлаб “Сурум” МФЙ ҳудудидаги “TCT Rice” кластерида Туркиянинг “Yashar Makina” компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган “Шолини қайта ишлаш ва сақлаш мажмуаси” фаолияти билан танишди.

Маълумот берилишича, бу йил 2,5 минг гектардан ортиқ ерда шоли-нинг “Лазурини”, “Искандар”, “Муста-қиллик”, шунингдек, “Тарона” навлари етиштирилган. Ноқулай об-ҳаво шароити, сув танқислигига қарамаддан, шоликорларнинг ҳалол меҳнати ўз са-марасини берди. Дастлабки ҳисоб-ки-тоблар кластер шолизорларидан ўрта-ча 70 центнердан ҳосил йиғиштириб олинганини кўрсатмоқда. Бу йил клас-терда яна бир янгилик жорий қилинди. Ўриб-янчиб олинган шол деҳқонлар учун одатий ҳолға айланган очик усулда эмас, балки ҳар бири 1 тонналик махсус қо-қларда сақланяпти. Бу хом ашёни ўзоқ муддатга бўлса-да яхши сақлаш ҳамда озиқ сифатли гуруч ишлаб чиқаришға асос бўлади.

— Бу йил ўн минг тоннадан зиёд шоли етиштирдик, — дейди Ф. Акбаров. — Бунинг учун Ўрта Осиёда ягона бўлган, қиймати 25 миллиард сўмлик-

дан ошиқ лойиҳа асосида қурилган ушбу корхонада барча имконият яратилди. Бу ерда соатига 10 тонна, йил давомида эса 40 минг тоннагача хом ашёни қайта ишлаш мумкин. Замонавий техноло-гиялар билан жиҳозланган тегирмон-ларда оқланган юқори сифатли гуруч 1, 2, 5, 25 ва 50 килограммлик идиш-ларға қадоқланиб ички бозорга йў-налтирилади.

Кластер жамоасининг асосий мақ-сади — қишлоқ жойларига саноат кор-хоналарини олиб қириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш. Ушбу мақсад-да яқин уч йил ичида қиймати 245 мил-лион АҚШ долларлиги янги лойиҳалар рўёбини таъминлаш, иш ўринлари сонн ҳамда экспорт ҳажминин ошириш режа-лаштирилган.

— “TCT Cluster” жамоаси билан ҳам-корлик биз учун шарафлидир, — дейди Туркиянинг “Yashar Makina” компания-си вакили Хусайн Узун. — Бундай кор-хоналарни бунёд этиш бўйича қарийб эллик йиллик тажрибаға эгамиз. Ушбу гуруч ишлаб чиқариш корхонаси энг за-монавий технологиялар асосида жиҳоз-ланган. Бу, албатта, муваффақият омиллидир.

Журналистлар кейинги манзилда АҚШдан харид қилинган “Pickett One ch, Step” русумли 10 та мослама, Украина-дан олиб келинган 12 та “ПП-3.4” жат-каси, пахтазор ва шоли майдонларида юқори унум билан ишлаётган “Кейс” агрегати ҳамда комбайнлари иш фао-лияти билан танишди.

Кластернинг изланишлари кун сайн янги муваффақиятларға йўл очмоқда. Қарийб 80 гектар ер майдонида парва-ришланган индигофера ўсимлигини қайта ишлаб, бўёқ тайёрлаш корхонаси қурилиши бунга бир мисол.

Табийи бўёқ манбаи ҳисобланмиш ушбу ўсимликни “ранглар қироли” ҳам

ИНСОН УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА КЕКСАЛАР ЭХТИРОМДА



Мазкур хужжатда ҳар йили ноябрь ойида “Кексалар учун туризм ойлиги”ни ўтказиш белгиланган бўлиб, шунга мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан 1 октябрга қадар I гуруҳ ногиронлиги бўлган саёҳат қилувчи кексалар рўйхатини шакллантириш режалаштирилган.

Шу мақсадда ушбу ойликнинг аҳамияти хусусида жойларда турли тарғибот тадбирлари олиб борилиб, саёҳатга бориш истagini билдирган I гуруҳ ногиронлиги бўлган кексалар сони аниқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардан жами 608 нафар I гуруҳ ногиронлиги бўлган кекса ва нурунийлар, ёши улуг инсонларнинг ноябрь ойида саёҳати уюштирилади. Саёҳат давомида юртимизнинг бетакрор тарихий масканлари, диққат сазовор жойларига ташриф буюрган кекса авлод вакилларига маданий мерос объектлари ҳамда муқаддас қадимжолар ва уларнинг тарихий ҳақида сўзлаб бериш учун туризм соҳасидан яхши хабардор бўлган иштирокдор талабалар, кўнгилли хамроҳ (волонтер)лар бириктирилади.

Ойлик доирасида кексалар учун номоддий ва маданий мерос объектлари, музей ҳамда театрларга кириш ва қўшимча хизматлар кўрсатиш бўйича чегирмалар бериш, акциялар ўтказиш борасида ҳам бир қанча вазифалар белгиланган. Жумладан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда Транспорт вазирликлари, “Uzbekistan Airways” АЖ ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда саёҳат қилувчилар учун чипталарга ихтиёрий чегирмалар берилиши кўзда тутилган.

Ушбу топшириқлар ижроси доирасида сентябрь ойида масъул ташкилотларнинг самарали ҳамкорлиги юзасидан режа ишлаб чиқирилиб, саёҳатга чиқадиган кексаларга ихтиёрий чегирма белгиланди ва ушбу имтиёздан кексаларимиз ойлик давомида тўла фойдаланади. Унга қўра, мамлака-

тимиз ҳудудлари бўйлаб саёҳат қилиш истагида бўлган 55 ёшдан ошган аёллар ҳамда 60 ёшдан ошган эркекларга “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан 25 фоиз, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан 10 фоиз ва “Uzautotrans Service” МЧЖ томонидан маҳаллий йўналишларда қатновчи автобус чипта нархларига 15 фоиз чегирмалар тақдим этилади.

Шунингдек, туризм ойлиги доирасида “Хар куни 5 минг қадм” широри остида марафонлар, зияратхоналарда маданий-маърифий тадбирлар, турли учрашувлар ўтказилади. Албатта, бу каби лойиҳалар нурунийларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, саёҳатдан маънавий озуқа олиши, энг асосийси, ушбу тадбирлар улар хотирасида узоқ вақт муҳрланиб қолишига хизмат қилади.

Маълумки, бугунги кунда COVID-19 хасталиги бутун дунёга тарқалиб, инсонлар ҳаётига жиддий хавф тулдирмокда. Эътиборлиси, мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида ўз вақтида қўйилган чора-тадбирлар, халқимизнинг жипслиги, сабртоқати ва матонати билан бу балога қарши самарали кураш олиб боришмоқда. Бироқ бу хали хавф бутунлай ортда қолди, дегани эмас. Шу боис барча юртдошларимиз ҳушёрлигини йўқотмасдан, пандемия қоидалари ҳамда шифокорлар кўрсатмаларига оғишмай амал қилишлари талаб этилади.

Айниқса, ушбу касаллик кекса ёшдаги инсонлар саломатлигига жиддий хавф солиши инobatга олиниб, “Кексалар учун туризм ойлиги”да саёҳатга борадиган нурунийлар саломатлигини асраш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Асосийси, ҳудудларда ойлик доирасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбир ҳамда учрашувлар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан пандемия қоидаларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади.

«Халқ сўзи».

Мутолаа

ХАЛҚИМИЗ МЕХРИНИ ҚОЗОНГАН АДИБ

“Кун кунга, йил йилга ўхшамас”, деган ҳикмат бор. Ҳақ гап. Инсон боласи эртага нима бўлишини олдиндан билмайди. Буни ўтаётган 2020 йил воқеа-ҳодисалари ҳам аққол исботлаб турибди.

Ҳақиқатан ҳам, жорий йилда юз берган глобал пандемия, тўзону тошқинлар халқимизнинг сабр-бардошини синовдан ўтказди. Шу билан бирга, айни йилда юртдошларимиз орасида ҳамжихатлик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик янада ойдинроқ намоён бўлдики, бунинг ифодаларини ўлган балою офатлар асоратларини бартараф этиш борасида олиб борилаётган қўлмандор

чора-тадбирлар, тобора кенг қулоч ёзаётган улкан қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари мисолида кўрагалимиз.

2020 йилда ҳам халқимиз қўллаб-қўллади, қанча-қанча оилаларда фарзандлар дунёга келди. Минглаб инсонлар таваллуд айёмини нишонлаб, умрининг янги бир палласига қадам қўйди.

Ана шундай бахтга мушарраф бўлган инсонлардан бири ёзувчи, драматург, публицист, таржимон, муҳаррир Эркин Аъзамдир. Роман, қисса ва ҳикоялардан иборат ўндан ортқ китоблари, йигирмага яқин экран ҳамда сахна асарлари дунё юзини кўрган

ижодкор шу йил ўзининг қутлуг ёшини нишонлади.

Кучли психологизм ва фалсафийликка йўғрилган бетақдор асарлари билан халқимиз меҳрини қозонган адибга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз. Изланиб, интилиб, ижодий режаларга тўлиб-тошиб яшаётган ижодкордан янги-янги баркамол асарлар кутиб қоламиз.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг ҳикояларидан бирини ўқувчиларга тўхфа этамиз.



— Бор, бор, мана — кўз кўргудек.
— Ҳа, балли. Бола-чақандан гапир!
— Худого шукр, ҳаммагинаси бинойи, эсли-хушли.
— Шундай, шундай. Ҳў-ўш, унда тўқилчи, бизда нима даввонг қолди?
— Тузук туринг-э, чол, — дейди янгамиз

— Лекин сиз...
— Ҳа, шунги айтаман-да. Биру бир бўлади! — дейди табиатан қувноқ тоғамиз. — У ёғи билан шинг бўлмасин, кампир. Тур, таррадудингни кўр, эртага отангникича сўраб борасан, тамом!
Қўлида супургиси, чўнқайиб ўтирган ян-

Ишқ дардига мубатало Салом чандаст эса ҳадеганди ўзига келавермайди. Ҳар оқшом гузардан қайтгач, чорпойда ён-бошлаб олиб ўша гишавани бошлайди: “Борасан-ча борасан! Бўлмаса, қараб тур, бир кун ўзим Гулойингни эшакка мингаштириб келмасам — бу қўлимниям чопиб ташлайман!”

Анови катта урушда қарам қилмаган худонинг бу сафар раҳми келади — Салом тоғамизнинг арзанда қўли омон қолади. Чунки шунча йилдан буён кўз кўриб-қулоқ эшитмаган ажаб савдо юз беради: Офтоб холанинг уйини уст-устига совчи боса бошлайди. Хотини ўлган ҳам шу ерда, кекса бўйдоқ ҳам шу ерда, қару кўр ҳам!

Бу ишларни ким қилди дерсиз? Ким билсин, худодан-да.
Нихоят, иссиқ-совуқ маъракаларда чой ташиб юрадиган пачоқдан пачоқ, телбанамо бир кимсага фотиҳа қилиб юборилади Гулой!

Ўша оқшом Салом чандаст, кўп замондан бери ичкиликни оғзига олмаган мўйсафид гузардан гандираклаб қайтади. Чорпоясида ёта-ёта, бир маҳал ҳовлини бошига кўтаргудек фиғон айлайди:
— Гулой! Отларингга ўлай, Гулой! Бу дунё сени менга кўп кўрди, Гулой! Сенгина нимани кўрдиги, Гулой!

Мастликдаги шу қилмишидан номусда Салом тоғамиз кейин талай кўнлар биронинг бетига қараёлмай гунгурс юради. Кўп ўтмай, аломат ошиқ Салом чандаст эшакдан йиқилиб, бир кунда ўлди-қолди. “Эшиги Офтоб холанинг ариғига тойиб кетган эмиш” деган гаплар ҳам чиқди. Бунисини энди ким кўрибди денг!

Азада Майрам янгамизнинг “Дунёга келиб ҳеч ким кўрмай кетган тўрам-ов!” дея йнги қилганини эса мен ўз қулоғим билан эшитганман.
Шу, шугина...

хуши учиб. — Ажаб-ажаб сўзлар қиялгисиз?
— Бўлмаса, гап бундай, Майрамой — бизни энди би-ир уйлантириб қўйсангиз!
— Иби, сизни бир бало урма! Фалон ёшга кириб-а!
— Ҳў-ў бир вақтлар ўзинг ваёда қилиб эдинг. “Сизни уйлантирмоққа бир уйланти-раман. Дунёга келиб, сиз ҳам ахир бундай кўриб кетинг-да”, дегансан. Эсиндами?
— Айтган бўлсам айтгандирман — тил кўргур суякисиз. Лекин келиб-келиб энди-ми? Энди-и... Ҳўн, кимни олиб берайлик, айтинг?
— деб сўрайди кампир ҳам эрмакка.
— Гулойни олиб борасан!
— Гулой?! Иби, эсингиз жойидими, чол? У ахир...
— Ҳа, шунги, — дейди тоғамиз қаттиқ туриб.

Гулой деганлари Майрам янгамизга жиян — опасининг қизи, кўзи тўғма оғиз, қирқ ёшларни қоралаган, лекин оқ-оппоққина, сўлқиллама бир нарса, энг муҳими — эркак зотининг нафаси тегмаган; отаси ўлиб, ёлғиз онаси билан яшайди.

— Шарм эмасми, Офтоб апамнинг қизи-я у?!

— Шуниси яхши-да, кампир, ҳарҳолда ўзингники. Девор ағнас, ичкарига ағнасин. Беғонасини бошингга урасанми?

— Кўр-ку у! — дейди аламидан ёниб янгамиз.

— Мана, менинг кўзим очиқ — бир рўзгор-га етиб ортади шу.

гамиз ўрнидан туrolмай биратўла ерга ялпайиб қолади.

У эртаси кунги ҳеч жойга боролмайди. Эшитсанлар ўзи келади.

— Сиз ҳам ўлинг, отам ҳам ўлсин! Ҳе, шармандалар! Ҳозирқоқ бориб ўша оққува қан-жиқнинг кўр кўзларини ўймасам!.. — дейди қақшаб тўнғич қиз. — Гунажин ўлгузингиз кўзини сузган-да!

— Э, қандай сузади, ана, кўзи кўрмайди-ку унинг! — дейди шўхроқ феъли отасига тортган тўнғич ўғил қиқирлаб. — Келинг, эна, сиз хўп денг. Ҳа, бобойнинг бир кўнгли кетибди-да, майли. Бир-икки кун меникида туриб турасиз. Бир кўру бир қари чўлоқнинг томошиси борса — бир ҳафтага бора! Кейин чол тагин ўзингизники, ота ўзимизники! Гулой бечора ҳам беғона эмас.

Кенжа ўғил бир чеккада, можарога ара-лашмай туради. Гулойи келади, Ойгули келади, унга барибир. Икки бошдан ҳам бу ҳовли, бу жойлар ўзига қолади. Мерос аллақачон хатланган. Қайтага, гапга ара-лашиб, ишни бўлиб қўйиши мумкин. Ана опаси, ана акиси — шулар ҳал қилаверсин!

Хайриятки, яна бир қиз келади. Узоқ-роққа тушган у. Ҳали эшитмабди шекилли. Эшитса, келса — ана кейин кўрасиз томошани!

— Майли, бир-икки кун сабр қилайликчи. — дейди кампир болаларини тинчлантириш ҳаёлида. — Балки ўзига кепқолар бу эсини еган чол.

ЭЪЛОНЛАР

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИДАН МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Давлат тест маркази илм-фанни ривожлантириш, тест технологияларининг замонавий механизмларини жорий қилиш, халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда билимларни баҳолашнинг миллий тизимини ишлаб чиқиш учун қуйидаги умумтаълим фанлари бўйича малакали мутахассисларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади:

Т/р	Фан номи	Талаблар
1.	Ўзбек тили ва адабиёти	Талабгорлардан олий маълумот ва мутахассислиги бўйича педагогик тажрибага эга бўлиши, таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар («Таълим тўғрисида»ги Қонун, Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, амалдаги дарсликлар ва ҳоказо)ни мукамил билиши, мутахассислик фанидан тест топшириқларини шакллантириши, экспертзадан ўтказиши ҳамда таржима қилиши талаб этилади. Шу билан бирга, педагогик ўлчовлар ва тестологияга оид назарий билимларга эга ҳамда соҳа юзасидан халқаро тажрибалардан хабардор бўлиши лозим. Жумладан, тест топшириқларини тузиш методикаси, унинг турлари ҳақида билимга эга бўлишлари керак.
2.	Қорақалпоқ тили ва адабиёти	
3.	Рус тили ва адабиёти	
4.	Тожиқ тили ва адабиёти	
5.	Инглиз тили	
6.	Математика (ўзбек ва рус)	
7.	Тарих (ўзбек ва рус)	
8.	Биология (ўзбек ва рус)	
9.	Кимё (ўзбек ва рус)	
10.	Физика (ўзбек ва рус)	

Талабгорлар ўзлари тўғрисидаги маълумот (резюме, телефон рақам)ни иловага мувофиқ test@dtm.uz электрон манзилига янгилаштириб сўралади. Талабгорлар тўғрисидаги маълумотлар ушбу эълон берилган кундан бошлаб 1 (бир) ой давомида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 71-235-61-27.

9092

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва Девони ходимлари Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилова падаи бузруквори
МЎЙДИНХОН отанинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилова падаи бузруквори
МЎЙДИНХОН отанинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.00 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.